



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2012 йил
27 июнь
ЧОРШАНБА
№ 50
(12.478)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ХАҲАТИ

ОХАНГАРОН
ТУМАНИ

ЧОРВА ЗОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Охангарон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастури доирасида ушбу тармоқларни янада тарққий эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, туманда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Австралиядан "Ҳожи-Ақбар" фермер хўжалигига 32 бош "Семантал флекси" зотли қорамол келтирилди. Бундай зотли моллардан чорвачиликка ихтисослашган бошқа хўжаликларга ҳам олиб келиш режалаштирилмоқда.

Неъмат РУСТАМОВ.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Туман тиббиёт бирлашмасида "Ҳамшира – 2012" куриқ-танлови бўлиб ўтди.

Унда 6 нафар ҳамшира таништириш, касб маҳоратини намоий этиш, ижтимоий-сиёсий саволга жавоб, эркин мавзу каби қизиқарли шартларни бажаришди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳамшираларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаб бордилар. Танлов сўнггида ғойиблар аниқлашиб, хомийларнинг совғалари топширилди.

Ирода МАҚСУД қизи.

МАЪНАВИЯТ

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш ҳалқимизнинг улуғвор мақсадларидан биридир. Ўзбекистонда унинг асосларини шакллантириш, аввало, ташкилий-институциявий таркибларини ва қонунчилик асосларини тизимли барпо этишдан бошланди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг Республика Конституциясида мустақамланган ҳуқуқий негизларига оид меъёр ҳамда таъминлар асосида "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Сийсий партиялар тўғрисида", "Сийсий партияларни молиялаштириш тўғрисида", "Қасаба уюмлари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Жа-

моат фондлари тўғрисида", "Ҳомийлик тўғрисида" каби бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш фурсати етганлиги, маъжур қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий таъминларини, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мавсумдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан қўли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги – фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бинобарин, фуқароларнинг фаолиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб туриши фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилиш асосий усуллари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий таъминларини, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мавсумдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан қўли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги – фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бинобарин, фуқароларнинг фаолиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб туриши фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон қора металлургия саноатининг етакчи ва ягона корхонаси "Ўзбекистон металлургия комбинати" очик акциядорлик жамияти мамлакат иқтисодиёти ривожига салмоқли ўринга эга. Унинг иқтисодий салоҳияти юксалишида,

Шу ўринда истиқлол шаърофати билан чоп этила бошлаган "Металлург минбари" газетаси ҳақида икки оғиз сўз: – "Металлург минбари"нинг чоп этилиши корхона ишчилари учун интиқлик билан қўйилган энг қувончли воқеа бўлди, – дейди муҳаррир Исмаилов Маматқулов. – Чунки, корхона қурила бошлаган дастлабки йилларда оқ фидокорона меҳнат қилган маҳаллий халқ вакиллари ўз она тилларида газета ўқишни орзу қилишарди. Улар бу кунни салкам 40 йил қўйишди. Тўғри, "За металл" газетасининг корхона ҳаётидаги беқиёс ўрнини инкор этиб бўлмайди. Ўз навбатида мустақиллик инъом этган улкан маънавий рағбатнинг қадри бўлак.

– Шу воқеага ҳам 20 йил бўлибди, – дейди таҳрират мусаввир Оқила Абдураҳмонова. – Истиқлолнинг 20 йиллик тўйи шуқуҳи қалбларимизни тарқ этмай, қадрдон газетамиз "Металлург минбари"нинг 20 йиллигини нишонладик. Унинг илк сони чоп этилишида қатнашгани билан фахрланаман. Газета ўз номи билан корхона ишчиларининг минбари. Ҳар сафар уларнинг дил изҳорлари, фикр-мулоҳазалари,

иш тажрибалари баён этилган мақолаларни қўздан кечирар эканман, ҳақиқатан ҳам корхона фаолиятининг ойнаси ҳисобланган "Металлург минбари"га бўлган чуқур меҳрни ҳис этаман.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТА: «За металл» газетаси муҳаррири Нигора Аҳмедова мусаввир Оқила Абдураҳмонова билан иш жараёнида.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ахборот-коммуникация технологиялари барча соҳаларга изчил татбиқ этилаётир.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ҳам бу усул яхши самара бераётир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида йўл-транспорт ҳодисаларининг марказлаштирилган электрон базаси яратилгани уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва олдини олиш, бу йўналишда самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди. Мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, ҳаракат хавфсизлиги қондаларининг тақомиллаштирилаётгани фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилиш, инсон ҳаётини асрашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани таъкидланди.

ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Файрат Болтабоевнинг қайд этишича, жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида мамлакатимиз ҳудудидида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони

2011 йилнинг шу даврига нисбатан 9 фоиз, уларда ҳалок бўлган фуқаролар сони сони 9,7 фоиз, жароҳатланганлар сони 10,5 фоиз камайишига эришилган.

Йўлларда ҳаракатни янада яхшилаш мақсадида қўшимча йўл белгилари ўрнатилмоқда, йўл чизиклари янада ёрқинроқ акс этирилиб, светофорлар босқичма-босқич замонавийларига алмаштирилмоқда.

Соҳадаги ишлар самардорлигини ошириш мақсадида тизимга замонавий ахборот-технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизимларида рўйхатга олинган барча автотранспорт воситаларининг ягона электрон базаси яратилди. Ушбу база орқали транспорт воситаларини кидириб топиш, уларни рўйхатлашдаги операцияларни қисқа муддатда ва фуқаролар учун қулай тарзда бажариш мумкин.

Айни пайтда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича марказлаштирилган ягона электрон база ҳам яратилмоқда. Бу қондабузарликлар, уларни содир этган ҳайдовчилар, қўрилган чоралар ва ундирилган жарималар тўғрисида маълумотларни жамлаш

имконини беради.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизимини яратиш" лойиҳаси пойтахт кўчаларида йўл ҳаракати ва унинг қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракатини назорат қилиш, қондабузарликларни автоматик тарзда аниқлаш, қайд этиш ва профилактика ишларини тақомиллаштиришга хизмат қилади. Шу мақсадда чорраҳалар ҳаракатини назорат қилувчи замонавий техник воситалар, детектор, видеокамера, фоторадар, фиксаторлар билан жиҳозланмоқда.

Аксарият йўл-транспорт ҳодисалари сабаб бўлувчи тезликни меъёридан ошириш ҳолларига қарши курашиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб вазият мураккаб бўлган ҳудудларга фоторадарлар ўрнатилган. Натижада йўлларимизда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари камайишига эришилди. Шунини инобатга олиб 2011 йилда 12 фоторадар комплекси ва йўл-патруль хизмати автомобилларига ўрнатилган 148 видеокузатув мослашма хараид қилинди ва амалиётда фойдаланилмоқда. Жорий йилда уларнинг сонини янада ошириш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА муҳбири.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР

Бекобод шаҳридаги қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежидида "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда Ватан тақдири, унинг бугуни ва келажига дахлдорлик ҳиссини қучайтириш, мустақил ва янгилик фидойилигини авлодини воғда етказиш мақсадида давлат сиёсати устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси таъсис билан ташкил этилган тадбирда битирувчиларнинг вилоят, республика миқёсида турли соҳаларда эришган ютуқлари эътироф этилди.

Ёшларни юксак маданият, қомил инсонлар бўлиб воғда етишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани қайд этилди. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, аънава ва урф-одатларимизнинг асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгидида она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини қамол топтириш зарурлиги таъкидланди.

"Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги маънавий-маърифий тадбирлар вилоятнинг бошқа таълим муассасаларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА муҳбири.

МАТБУОТ
АНЖУМАНИ

ОАВ: ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Миллий ОАВнинг шаклланиши, ривожланиши ва соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган стратегик вазифаларни изчил амалга ошириш натижасида миллий оммавий ахборот воситаларида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан катта ўзгаришлар рўй бергани таъкидланди.

Ахборот соҳасини ислох этиш чора-тадбирларининг асл моҳияти эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситаларининг мустақил институт сифатида шаклланишини, сиёсий ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда ошқораларни ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлашга қаратилгани билан эътиборлидир.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ҒАЛЛА - 2012

Юқори Чирчиқ туманидаги "Мунтазо-Руфшана" фермер хўжалиги 56 гектар ерда деҳқончилик қилади. Бу мавсумда 25 гектарда ғалла етиштирилди.

МЕҲНАТГА ЯРАША ДАРОМАД

Айни кунда фермер Латиф Шеров ҳосилни йиғиштириб олиш билан банд. 31 гектардаги ғўза ривожини ҳам кўнгилда-гидек, сўнгги ишловдан кейин оммавий гулга кирган.

– Даромадимиз ёмон бўлмапти, – дейди Латиф Шеров. – Ўтган мавсумда 23 миллион сўм соф даромад олдик. Бу йил ҳам ундан кам бўлмайди. Шу ҳисобдан хўжалигимизнинг техника базасини мустаҳкамлаш ниятимиз бор.

Фермернинг фарзандлари унинг асосий қаноти. Шоислом хўжаликда иш юритувчи. Бундан ташқари, 7 нафар маҳаллий ёшлар ҳам муқим иш билан таъминланган.

СУРАТА: фермер Латиф Шеров "Суранкент" ҚФЙ раиси Динислом Қанаев билан.

МУНОСИБ АВЛОД БЎЛАЙЛИК

Юртбошимизнинг Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан оммавий ахборот воситаларида берган интервьюсида илгари сурган концептуал ғояларни вилоятимиз шаҳар ва туманлари ҳокимликлари ходимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда аҳоли, айниқса, ёшлар онгига синдириш, турли бузғунчи ғояларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Бундай тадбирларнинг дастлабкилари вилоят шаҳарларида ўтказилди. Унда ҳокимликлар ходимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек, ўқув муассасалари ўқитувчи ва талабалари ҳамда



ти йўлида фидойилик кўрсатиш, аждодларга муносиб авлод бўлиб воғда етиш бугунги ёшларнинг мақсади бўлиши лозимлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

РАШАН НЕЪМАТОВ.

СУРАТА: Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Байрамингиз муборак, азииз ҳамкасблар! «ИЛК СОНИНИ ЧОП ЭТИШДА ҚАТНАШГАНМАН»

— Ҳақиқатан ҳам ҳар жума кун корхона ишчилари газетани кутишади, қизиқиб ўқишади, — дейди "Ўзметкомбинат" матбуот хизмати ва ахборот маркази раҳбари Мирзамурод Боймуродов. — Инсон ҳамisha маънавий неъматга эҳтиёж сезиб яшайди. Маънавий-руҳий кўтаринкилик меҳнат унвондорлигига бевосита алоқадор. Ишчиларимиз ҳаётини, меҳнат фаолиятини акс эттирувчи яна бир ахборот манбаи — "Пўлат" телестудия ижодкорлари ҳам кўп йиллардан буён комбинат ҳаётининг ойнаси сифатида жамoa меҳрини қозониб келмоқда. Ҳафтасига уч марта намойиш этиладиган кўрсатувларни студия мухбири, муҳаррир вазиасини бажарувчи Баҳодир Раҳмонқулов, оператор Ином Ҳожимуродов тайёрлашади.

— Тахририятда ишлаш жуда қизиқарли, — дейди "За металл" газетаси муҳаррири Нигора Аҳмедова. — Айниқса, меҳнатинг қадрланса, муносиб эътибор, рағбат кўрсатилса, илҳом иходи

(Давоми. Боши 1-бетда).



етақлаб келаверар экан. Корхона маъмуриятининг эътибори, биз мухбирларга яратиб берилган шароит-имкониятлар, комбинат ишчилари, муштариёларимизнинг қизиқиши бизга руҳий кўтаринкилик бағишлайди. Шу ўринда газеталаримизнинг

ишчиларга бепул тарқатилиши, ҳатто, фахрийларимиз ҳам хамиша эътиборда эканлигини таъкидлаш керак. Фурсатдан фойдаланиб, касбдошларимизни, барча матбуот ходимларини, хусусан ҳамкорларимиз "Бекобод ишчиси" газетаси жамо-

аси, "Пўлат" студияси ва тахририятимиз аъзоларини касб байрамлари билан қутламоқчиман.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Собир ЗУФАРОВ
олган суратлар.



СУРАТЛАРДА: «Пўлат» студияси ходимлари мухбир Баҳодир Раҳмонқулов, оператор Ином Ҳожимуродов; «Металлургия минбари» газетаси муҳаррири (ўртада) Исмаиёр Маматқулов, ўринбосари Акбарали Абдулсалиев ва саҳифаловчи Зарина Фазлиахмедовалар газетани кўздан кечирмоқдалар.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

МАЪНАВИЯТ

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Ўзбекистон Президенти оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапириб, жумладан таъкидлаган эди: ларки, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда бошқа бир ижтимоий институтга — оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилди. Оммавий ахборот воситалари мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва ҳолис ифодалагани қадри бўлиши, ҳокимият билан жамоат ўртасидаги ҳолис воситачи айланиши зарур. Уларнинг давлатга нисбатан ўзига хос таъсир кучи жамоатчилик фикрини йўғотиб, бузилган ҳуқуқни тиклаш, кишиларда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари айрим сиёсий ва ижтимоий жараёнларга, давлат ва жамият қурилиши масалаларига ҳамда қабул қилиниши назарда тутилган қонун лойиҳалари ва ҳукумат қарорларига ўз муносабатларини билдириши орқали жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Албатта, оммавий ахборот воситалари бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланмайди, лекин мазкур институтнинг иштирокисиз давлат органларининг муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини тасаввур қилиш қийин. Бинобарин, улар сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда, давлат билан халқ ўртасидаги муносабатлар тизимида воситачи сифатида ижтимоий мувозанатни юзага келтириш вазиасини ўтайди.

Бундай воситачилик, шубҳасиз, ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир.

Оммавий ахборот воситалари воситачилигида ҳокимият жамият билан алоқага киришади, яъни ўз нуктаи на-

(Давоми. Боши 1-бетда).

зарини халққа етказиб, жамиятдаги вазият ва ҳокимият органларининг қарорларига нисбатан жамоатчиликнинг муносабати тўғрисида объектив ахборот олади, аҳоли эса, ўз навбатида, у ёки бу ҳолат юзасидан ҳокимият институтларининг сиёсати тўғрисида маълумотга эга бўлади ва оммавий ахборот воситалари орқали муайян даражада унинг моҳиятига таъсир ўткази.

Давлатимиз раҳбари фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрнини алоҳида таъкидлаб, эркин матбуот реал шароитда фаолият кўрсатиши, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни бевосита қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмалари қабул қилаётган қарор ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, ҳолис баҳо бериб бориши кераклигини қайта-қайта таъкидламоқда. Оммавий ахборот воситалари амалга оширадиган жамоатчилик назорати инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан қафолатлангани, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини ҳам муайян даражада таъминлайди. Хулоса қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари амалга оширадиган жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таъминлаштириш жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини рўйбоғ чиқариш ва, ниҳоят, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

М. НАЖИМОВ,
ТДЮИ давлат ва ҳуқуқ кафедраси муdiri,
юридик фанлари номзоди.
М. ЭРҒАШЕВ,
ўқитувчи.

ЎЗ ОВОЗИГА ЭГА ГАЗЕТА

Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари, жумладан, маҳаллий матбуот ҳам ҳар хил мафкуравий қопиллардан халос бўлиб, эркин ижод ва ривожланиш сари дадил қадам ташлади. Туман ва шаҳарларда чоп этилаётган газеталар халқимиз ҳаётининг, мустақиллигимиз зафарларининг кўзгуси сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Бекобод тумани ижтимоий-сиёсий газетаси "Бекобод овози"нинг биринчи сони босмадан чиққанига 80 йилдан ошди. Ўтган йили газетанинг 7500-сонини нишонлаган эдик. Сўнгги 5-6 йил ичида газета мазмунан ва шаклан қайта туғилди, десак муболага бўлмайди. Туман ҳокимлиги ўз муассислигида чоп этилаётган газеталар ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам қилини чўзди. Журналистлар жамоаси, раҳбарият янгиланди. Обуна ишлари режалли йўлга қўйилди.

Бугунга келиб "Бекобод овози" нафақат вилоятимизда, балки, рес-

публикаимизда ҳам йирик шахар, туман газеталари билан ҳар соҳада беллаша оладиган, мазмунан ҳам, безаги ҳам мукамал нашрга айланди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, компьютер жамланмасига эга бўлди. Интернет тармоғига уланган, газета саҳифалари қизиқарли ва оммабоп хабар ҳамда янгиликлар билан бойиди. Бунда газета чоп этилаётган Тўйепа шаҳридаги "То'утира Print" хусусий корхонаси билан ўзаро фойдали ижодий алоқа ўрнатилгани кўл келаяпти. Газетанинг рангли саҳифаларда чиқиши, материал-

ларнинг интернет тармоғи орқали узатилиши, шакл ва безадаги янгиликлар бегараз ҳамкорлик самарасидир.

Газета тахририяти 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди танловида иштирок этиб, 6 миллион сўмлик давлат грантига сазовор бўлди. Албатта, бу ютуқларда тажрибали журналист, малакали раҳбар, газета муҳаррири Каримқул Мавлоновнинг ҳиссаси алоҳида.

Газетанинг мазмун ва мундарижаси йилдан-йилга бойиб бормоқда. "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Сенатор минбари", "Тадбиркорлар — сизлар учун", "Қарор ва ижро" каби долзарб рухлар, "Ин-

сон ва қонун", "Илҳом", "Келажгимиз эгалари" каби саҳифалар аллақачон обуначилар мулкига айланиб улгурди. 2008 йилдан буён газета қошида "Илҳом" ижодкорлар клуби фаолият кўрсатмоқда. Клубга тумандаги 60 га яқин кексаю ёш ижодкор аъзо. Ўтган қисқа даврда "Илҳом" клуби тавсияси билан туман ижодкорларининг 25 та китоби чоп этилди. "Сирбуйи илҳомлари" номли тўплам босмадан чиқди. 2012 йилда Зулфия номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотида сазовор бўлган Ситора Тошматова ҳам клубимиз аъзоси. Шу ерда ижод сирларини ўрганиб, тобланиб, шакланган шоира. Бекобод ижодий муҳитининг камол топиши ва тобора кенгайиб боришида газетанинг ва "Илҳом" ижодкорлар клубининг ҳиссаси бекиёс.

Матбуот ходимлари байрами арафасида газета ижодий жамоасини қутлаб, уларга янги-янги зафарлар тилаш билан бирга шу даргоҳда қаламини илк бор синаб кўрган, ишлаган ва бугун республика матбуотида кўзга қўринган журналистлар ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтишни хоҳлардим. Ҳозир "Маҳалла" газетаси бош муҳаррири Бахтиёр Абдусатторов, халқаро "Олтин қалам" мукофоти совриндори, халқаро журналист Бахтиёр Абдукаримов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдунаби Хайдаров, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси аъзоси, таниқли фотожурналист Султонбой Дехқонов ҳам ижодий парвозларини "Бекобод овози" газетаси саҳифаларида бошлаганлар.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимизнинг барча журналистларини матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан қутлаб, уларга юксак ижодий ютуқлар тилаймиз.

Нурали ЖАЛИЛ.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

ИҚТИСОДИЙ МАТЕРИАЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга кенг йўл берилмоқда. Бугун юзлаб оилалар ўз бизнесларини йўлга қўйдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қўл урганлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз маҳсулотлари билан мустақкам ўрин эгаллашга улгурдилар. Бироқ, тадбиркорликнинг ўзига яраша машаққати, масъулияти бор.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-тренинг тадбиркорларга моддий ва маънавий кўмак бериш билан бирга муаммо ва камчиликлар, умуман тадбиркорлик мавзусининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалаларига бағишланди. Унда марказий босма оммавий ахборот воситалари журналистлари, ўқув марказлари мутахассислари, тегишли ташкилот ва идора вакиллари қатнашди.

Мутахассис ва экспертлар-

нинг "Инсон ҳаётида тижоратнинг ўрни. Мулк ва мулкдорлик тушунчаси. Фуқаролик позицияси шаклланишида мулкдорнинг аҳамияти", "Тадбиркор ким ва тадбиркорга зарур сифатлар", "Ўзбекистонда иқтисодий журналистиканинг ҳолати", "Иқтисодий материалларни тайёрлашда замонавий ёндашувлар" каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

Икки кун давом этган семинар-тренингда журналистлар иқтисодий таҳлилий материаллар тайёрлашда мақсадни аниқ йўналтириш, статистик маълумотлардан тўғри ва самарали фойдаланиш, фикрлар мувозанатига риоя қилиш борасидаги билим ва кўникмаларини янада бойитдилар.

Интерфаол тарзда ўтган тренингда босма нашрларда чоп этилаётган иқтисодий мақолалар таҳлил қилиниди ва тегишли тавсиялар берилди.

25-30 ИЮНЬ — СОҒЛОМ
БОЛА ҲАФТАЛИГИ

ФАРЗАНД КАМОЛИ

Одамнинг ҳасталаниши кўп ҳолларда микро-нутриентларнинг танқислиги туфайли юзага келар экан. Яъни, темир ва йод моддаси, А витамини етишмаслигидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили мактаб ёшига етмаган 140 миллион бола, ҳомиладор аёлларнинг 7 миллиони А витамини танқислигидан азият чекадилар. Ачинарлиси эса, бунинг оқибатида 1,2-3 миллион бола ҳаётдан кўз юммоқда.

Ушбу витаминнинг етишмаслиги кўриш қобилиятининг кескин пасайишига, пақаналик ва бошқа қатор туғма аномалия ҳолатлари юз беришига олиб келади.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган "Соғлом бола ҳафталиги" ушбу касалликнинг олдини олиш, беморларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак ва маслаҳат бериш мақсадида ўтказилмоқда. Ҳафталик доирасида 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларни соғломлаштириш назарда тутилган бўлиб, республикаимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида болаларни умумий

тиббий кўрикдан ўтказиш, оналарга болаларни тўғри овқатлантириш ҳақида, санитария ва гигиена қоидалари хусусида изчил ишлар олиб борилади. Шунингдек, 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларга антигельминт дорилари берилади. Малакали шифокор-педиатрлар иштирокида болаларни фақат кўрак сути билан боқилишнинг аҳамияти, қўшимча овқатларни халқаро тавсиялар асосида тўғри бериш борасида даврар суҳбатлари уюштирилади.

Ирода НОРБОВЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

очиқ акциядорлик жамияти
Тошкент филиали жамоаси

Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари кўни

муносабати билан
Вилоятимизда меҳнат

қилаётган журналистларни,
барча ижод аҳлини

самимий қутлаб, уларнинг
оилаларига хотиржамлик,

бахт-саодат,
ишларига омад тилайди.

БОЛАЛАР ЁЗИ – 2012

ХУШҲАВО «МЕҲРЖОН» БАҒРИДА

Ёзининг иссиғи кучайиши билан кўнгил соя-салқин, хушхаво, тоғли худудларни тусайди. Бундай пал-

лада кичик дўстларимиз оромгоҳлар бағрида ҳордиқ чиқаришлари, мириқиб дам олишлари мумкин.



Тошкент денгизининг сўлим соҳилидаги "Меҳржон" оромгоҳи болалар шодлиғи билан янада кўркамлашди. Чаман гулзорлар, турли деворий суратлар, широлар кўзни қувватлатди. "Буюк Ипак йўли" акс эттирилган расмлар, озода, саранжом-сарашта йўлаклар бу йилги мавсумга пухта ҳозирлик қўрилганидан далolat беради.

"Меҳржон" бу йилги мавсумнинг биринчи босқичида 250 нафар хоразмлик, шунингдек, Тошкент шаҳри ва ўрта Чирчиқ туманидан келган болаларни

қабул қилди. Ҳозир улар оромгоҳ бағрида мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар. Оромгоҳ мавсум олдидан жорий таъмирланди. Бу ерда болалар учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, ўйин майдончалари, сузиш ҳавзалари ишлаб турибди. Шунингдек, болалар тўкиш, тикиш, расм, театр каби тўғарақларда доимий қатнашиб, касб сирларини ҳам ўзлаштирмоқдалар. Спорт тўғрақлари эса ўғил-қизлар билан гавжум. Улар оромгоҳ универсиададасига тайёргарлик кўрмоқдалар.



Маънавият ва маърифат хонасида болалар мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари ҳақидаги фильмларни томоша қиладилар. Турли эртақ ва бадий китоблар

билан бойитилган кутубхонада эса ўзалари ёқтирган асарларини мутулаа қилишлари мумкин.

– Мавсум давомида оромгоҳда турли спорт мусобақалари, спартакиадалар билан бир қаторда, депутатлар, шoirлар билан қизиқарли учрашувлар ўтказишни режалаштирганмиз, – дейди оромгоҳ раҳбари Валентина Билева. – Бу уларнинг дарс жараёнларида олган билимларини янада мустаҳкамлашда қўл келади, маданий ва ҳуқуқий саводхонлиги ортади. Хоразм воҳасидан келган болаларга хушхаво "Меҳржон"имиз жуда ёқиб қолди. Оромгоҳ яна 500 нафар хоразмлик болаларни бағрига қорламоқда.

Анора КАРИМОВА,
Абдуқодир ЭГАМКУЛОВ
олган суратлар.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2012 йил 31 июль соат 17.00 да очик тендер ўтказилади.

1. ВХ-255 "Навоий ф/у – Бекобод АББ – Зафар АЧСБ"
2. ВХ-257 "Зафар АЧСБ – Бекобод АББ (Дехқонобод ф/у)"
3. ВХ-263 "Зафар АЧСБ – Бекобод АББ (232-пакет орқали)"
4. ВХ-266 "Бекобод АББ – Шолкор ф/у"
5. ВХ-272 "Зафар АЧСБ – Бекобод – Ойбек ф/у"
6. ВХ-301 "Оқўрғон АШБ – Сегизбоев ф/у"
7. ВХ-302 "Янгийўл АШБ – Сирғали 7 АШБ"
8. ВХ-310 "Ангрен АШБ – "Лашкарек" маҳалласи"
9. ВХ-312 "Ангрен АШБ – Кўчбулак қишлоғи"
10. ВХ-315 "Ангрен АШБ – 33 км"
11. ВХ-319 "Ангрен АШБ – С. Раҳимов ф/у"
12. ВХ-321 "Ангрен АШБ – Нуробод АЧСБ"
13. ВХ-332 "Олмалик АШБ – Қизилкой – Урғосой қишлоғи"
14. ВХ-351 "Оқўрғон АШБ – 3-бўлим"
15. ВХ-352 "Дўстобод АШБ – Чиноз шаҳри"
16. ВХ-356 "Оқўрғон АШБ – Хонқа ф/у"
17. ШИ-4 й.т. "ДЕПО – Ёрдам қишлоғи" (Олмалик ш.)

18. ВХ-412 й.т. "Охангарон АШБ – Убайт – Узар"
19. ВХ-413 й.т. "Охангарон АШБ – Эйвалек – Озодлик"
20. ВХ-484 й.т. "Ф. Умаров ф/у – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
21. ВХ-487 й.т. "Шўро бозори – Юнусобод 12-мавзеси"
22. ВХ-383 й.т. "Бойқозон – Истикбол – Паркент – Бойқозон"
23. ВХ-474 й.т. "Туркистон" маҳалласи – Чорсу савдо бозори (Бешкайрағач ва Тўқимачи кўчалари орқали)
24. Битта пакет билан: ВХ-553 й.т. "Ғазалкент АШБ – "Дўстлик" маҳалласи"
- ВХ-540 й.т. "Кўшқўрғон қишлоғи – Чирчиқ АББ"
- ВХ-539 й.т. "Думалоқ қишлоғи – Чирчиқ АББ"
25. ВХ-557 й.т. "Кузилсув" маҳалласи – Ғазалкент АШБ"
26. ВХ-531 й.т. "Мой қишлоғи – Туркистон ф/у"
27. ВХ-529 й.т. "Чирчиқ АББ – "Узумзор" маҳалласи"
28. ВХ-473 й.т. "Дўстлик" маҳалласи – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
29. ВХ-489 й.т. "Усмон ота оромгоҳи – Чилонзор буюм бозори"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарларо, халқаро йўловчилар ташиллари амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини биттаб буюмга ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий ҳулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашиш учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнаш-

чиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабдорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Авласозлар кўчаси, 4/68-йўл. Очик тендерда иштирок этишни хоҳ-

ловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноат-қурилиш Банк" (ОПЕРО ТРПФ ЎзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХТТУ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдоринда пул ўтказиб, 2012 йил 26 июль соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2012 йил 30 июль соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ-кўчаси 17-йўл. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси, тинчлик, дўстлик, ёшлик ва спорт байрами – ёзги Олимпия ўйинларига 1894 йилнинг 23 июнида асос солинган. Ушбу сана жаҳон миқёсида Халқаро Олимпиада кўни сифатида кенг нишонланади.

1913 йилда Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Олимпия ўйинларининг рамзи ҳисобланган кўк, қора, қизил, сариқ ва яшил рангли беш ҳалқа бутунги кунда Европа, Африка, Америка, Осиё ҳамда Австралия қитъаларининг бирлиги тимсолга айланган.

ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА ОММАВИЙ МУСОБАҚА

Сўнгги йилларда Олимпия ўйинларида ер кўрасидаги барча – икки юздан зиёд мамлакатнинг энг сара спортчилари ўттиздан ортиқ спорт тури бўйича гўлиблик учун куч синашмоқда. Олимпия ўйинларида шу кунгача уч юз нафарга яқин спортчиларнинг Ватанимиз номидан майдонга чиқиш имконига эга бўлди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон олимпиячилари ёзги Олимпия ўйинларидан медалсиз қайтмаган. Ҳамюртларимиз шу кунгача нуфузли мусобақаларда тўрт олтин, беш кумуш ва саккиз бронза, жами ўн етти медалини кўлга киритди.

Булларнинг барчаси юртимиз мустақиллиги ва Президентимиз Исро Каримов томонидан спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Истиқлол шарофати билан спортни жадал ривожлантириш, спортчиларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиши учун барча имкониятлар яратилмоқда.

– Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда, ҳусусан, Олимпия ўйинларида қатнашаётган ҳар бир спортчиларимиз ортида ўзини мана шу даражага етказган Ватанимиз, меҳнаткаш халқимиз турганини, яратилётган шароитларнинг барчаси истиқлолимиз шарофати эканини чин дилдан хис қилади, – дейди дэюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин олимпиадаси совриндори Ришод Собиров. – Мана шу тўғйи биз, спортчиларга катта куч-қувват ва ишонч бағишлайди. Яқин кунларда Лондонда бошланадиган Олимпия ўйинлари ҳам Ўзбекистон спортчилари учун самарали бўлишидан умидворман. Лондон Олимпиадасида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва дунёда ўхшаши бўлмаган таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақалари, болалар спортини ривожлантириш тизими фарзандларимизнинг жисмон соғлом, маънавий етук бўлиб вояга етишига хизмат қилиши билан бир қаторда, улар орасидан келажада спортчи сифатида юксак марраларни забт этишга қодир иктидор эгаларини топиш ва катта спортга йўналтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун Лондон Олимпиадасида муносиб қатнашиш учун бўлажак мусобақаларга пухта тайёргарлик кўраётган Ришод Собиров, Абдулла Тангриев, Дилшод Чориев, Светлана Радзивил, Раъно Омонова, Юлдуз Кўчқорова каби олимпиячиларимиз орасида ҳам уч босқичли узлуксиз спорт тизимидан етишиб чиққан спортчилар кўп.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, ҳозиргача ҳамюртларимиз бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, трамполин, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, бокс, дэюдо, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши, қиличбозлик ва теннис каби спорт турлари бўйича олти мишга яқин олимпия лицензиясига эга бўлдилар. Енгил атлетикачиларимиз эса йўлланмалар учун курашини давом эттирмоқда.

Мамлакатимиз спортчиларининг ёзги Олимпия ўйинларидан медаллар билан қайтиши яхши анъанага айланган. Спортчиларимиз бу анъанани давом эттириш мақсадида пухта тайёргарлик кўрмоқда. Президентимиз Исро Каримовнинг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори асосида олимпиячиларимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилган. "Лондон – 2012" Олимпия ўйинларида спортчиларимиз эришадиган натижалар юксак бўлишига чин дилдан ишонамиз.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Олмазор тумани ТСРҲИ томонидан 14.02.2003 йилда 000578 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан ўтган "FAROBiy-TAOM" хусусий корхонасига тегишли бўлган бир донна бурчак тамга йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор тумани ТСРҲИ томонидан Машраб-13 манзили бўйича рўйхатга олинган "IBROHIM SHUKRONA SERVIS" (ИНН 301673150) хусусий корхонасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилаётганлигини маълум қилади. Тел.: (+99875) 707-54-64.

"ALFA TECHNOLOGY" (ИНН 205794318) масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 48 770 000 сўмдан 30 770 000 сўмга камайтирилади.

СП ООО "DIYAR EKSPRES" Чиланзарского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 361 797,4 долларов США до 286 023,4 долларов США. Тел.: 253-96-17.

Утерьяное дополнение к уставу ООО "AKBAR-XOJI-DOMLA" (ИНН 203931091), зарегистрированное в Чиланзарском районе г. Ташкента от 12.03.2002 г., утерьяные дополнения к уставу от 09.09.2008 г. и от 22.09.2008 г., СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ТСРҲИ томонидан (ИНН 492631842) Махамедов Мирвали Миразизович номига якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш учун берилган 0512062 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерьяный диплом В № 231308, выданный в 1998 году Ташкентским государственным университетом (ТашГУ) на имя Нуритдиновой Нурсии Гаизутдиновны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерьянную круглую печать ООО "TRANS ALGA LUX" (ИНН 301976747), зарегистрированного отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента по адресу: Учтепинский район, ул. Ковунчи, д. 1-А, выданную разрешительно отделом Учтепинского РОВД, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "AVTOYOQILG'I SAVDO SERVIS" (ИНН 301691454), зарегистрированное в Мирабадском районе г. Ташкента уменьшает уставной фонд с 1 500 900 000 сум до 70 000 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 235-83-92.

Сергели тумани ТСРҲИ томонидан 07.04.2011 йилда 006854 гувоҳнома рақами билан рўйхатдан ўтган "AQUA CELL PRODUCT" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир донна бурчак тамга йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 21 декабрда № 55 реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "ХОНОБОД МИРОБИ" сув исте'молчилари уюшмаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "TURKISTON EXCLUSIV" Юнусабадского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 9 000 000 сум до 2 000 000 сум

UZTELECOM

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари диққатиға!

Тезкор ва маълумот хизматлари телефон рақамларини Халқаро стандартлар талабига мослаштириш мақсадида, ҳозирги мавжуд рақамларни янгиликларига алмаштирилиши назарда тутилмоқда. Алмаштириш даври мобайнида маълумот-сўров хизматлари билан "0" орқали уланганидек, "1" рақами орқали ҳам улааниш мумкин.

- «01» (ёнгин хавфсизлиги хизмати) – «101»
- «02» (милиция) – «102»
- «03» (тез тиббий ёрдам) – «103»
- «04» (газ хизмати) – «104»
- «050» (куткарув хизмати) – «1050»
- «0xx» (бошқа хизматлар) – «10xx»

Маълумот учун телефон: 200-31-31

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: I. Миробод тумани СИБ томонидан 21.05.2012 йилдаги 1785/17-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи – 259 463 368,45 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлик 1-дахаси, 16-А уй манзилида жойлашган, умумий майдони 193,0 кв.м (блок-А 142 кв.м., блок-Б 51 кв.м.) бўлган дўкон биноси. II. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 16.04.2012 йилдаги 5074-75/7-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи – 48 000 000 сўм, Тошкент вилояти, Келес шаҳри, "Ифтихор" маҳалласи, Ғафуров кўчасида жойлашган ер участкаси майдони 285 кв.м., бино иншоотлар майдони 136,40 кв.м бўлган 125/14-А уй.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 27 июль кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йилнинг 27 июль кўни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 10 август кўни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кўнлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш кўни қолганда соат 17.00 да тўхта-тилади.

Мурожаат учун манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.



ЭЛЧИ ЧАҚИРИБ ОЛИНДИ

Венесуэла ҳукумати президент Фернандо Луго лавозимидан туширилганига қарши норозилик тарзида Парагвайдаги элчисини чақириб олди ва нефть етказиб беришни ҳам тўхтатди, деб хабар тарқатди АРР агентлиги.

“Мен учун ачинарли, аммо, биз бу давлат тўнтарини мутлақо қўллаб-қувватламаймиз, — деди Венесуэла президенти Уго Чавес. — Биз учун Фернандо Луго Парагвай президенти бўлиб қолаверди ва янги ҳукуматни тан олмаймиз”.

Парагвайдаги элчисини чақириб олган эди. Аргентина президенти Кристина Киршнер таъкидладики, Лугонинг истеъфосини у давлат тўнтарини деб ҳисоблайди. Жанубий Америка умумий бозори (“Меркосур”) аъзолари бўлган мамлакатлар Парагвай июнь ойи охи-

рига белгиланган ташкилот саммитида қатнашишдан четлатилганини маълум қилди. Луго ҳукуматдан четлатилгани боис шундай қарорга келинди. Аммо, Лугонинг ўзи саммитда иштирок этиши кутилмоқда.

“Меркосур” аъзолари имзо чеккан баёнотда Парагвайда демократик тартиблар бузилаётганини ушбу ташкилот қатъий қоралаш таъкидланган.

Парагвай конгресси мамлакат музофотларидан бирида ерсиз деҳқонларнинг полиция билан тўқнашиши жараёнида 17 киши ҳалок бўлгани сабабли президент Фернандо Лугога нисбатан импичмент эълон қилди. Вице-президент лавозимини эгаллаб турган Федерико Франко Парагвайнинг янги президенти бўлди.

НИГОҲ

ТОЖИК НЬЮ-ВАТИКАНИ

Сўғда – Тожикистон республикасининг энг йирик вилоятларидан бири. Ери унумдор, суви сероб, иқлими мўъталам. Ҳатто, кичкинагина томорқа ерига эга киши ҳам дуруст даромад олиши мумкин. Бироқ, Душанбе им-

кониятларни қатъий чеклаб қўйган. Ишсизлик, камбағаллик ва ижтимоий ҳимоянинг йўқлигидан азият чекаётган аҳоли вилоятда анча фаолашган турли христиан секта ва оқимларнинг тайёр ўлжасига айланмоқда.

Бугун янги-янги секта ёки оқимларга дуч келиш мумкин – “Инжилчи” (евангелист), “Еттинчи кун адвентчилари” ...Собик автоинспекция ходими, ҳозир эса инжилчилар тарафдорининг бутхонага айланган уйи олдидаги чойхонага тўпландиган кексалар пичирлаб нолишади. “Хатто, коммунистлар даврида ҳам бундай бўлмаган, — дейди маҳалла чойхоначиси Мансур бобо. — Биз ота-боболаримиз айтганларига қўлоқ солиб, ишонардик. Эндичи? Бир қассобнинг мен билан масжидга борадиган ўғлидан сен христианмисан деб сўрасам, “Йўқ, мен инжилчман” дейди. Бу янги дин эмиш. Ҳамонки, одамлар динини ўзгартираётган, бунинг устига нимага ишониларини ўзлари ҳам билмас эканлар, афтидан, охир замон яқинлашаётган кўринади”.

Мансур бобо – ҳақ. Ҳозирги пайтда Сўғд вилоятида бу ерлар учун тарихий янгилик бўлган секта таълимотларига берилганлар анча кўпайиб қолди. Аҳоли ижтимоий-иқтисодий аҳоли ёмонлашиб бораётгани сабабли, диндан наҳот изламоқда. Бундан эса, янги пайдо бўлаётган миссионерлар фаоллик билан фойдаланмоқдалар. Улар кам таъминланган аҳоли ўртасида диний адабиётларни тарқатмоқдалар, диний мажлислар уюштириб, ижтирокчиларни меҳмон қилмоқдалар, камбағалларга кийим-кечак ва озиқ-овқат улашмоқдалар. Дори-дармонлар тарқатиб, бошқа аризмас моддий ёрдам кўрсатмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, мамлакат Конституциясига мувофиқ давлат амалга ошириши лозим бўлган ижтимоий вазифани бажаришга яппти. Бунинг эвазига улар мажлисларда доимий қатнашишни талаб этмоқда.

лар, ўз қариндошлари ва танишларини йиғилишларга олиб келмоқдалар. Давлатнинг ижтимоий вазифасини бажариш ҳисобига аҳоли эътиборини ўзига тортаётган миссионерлик ҳаракати вилоятнинг ҳамма маъмурий марказларида давом этмоқда. Мажлислар чоғида унинг ташкилотчилари диний тарғибот олиб бориш билан бирга, аҳоли билан ижтимоий ва иқтисодий мавзуларда суҳбатлашди, халқнинг аҳоли, ички ва ташқи сиёсат масалаларини муҳокама қилади. Суҳбатлар ҳам рус, ҳам тожик тилида ўтади. Тарқатиладиган адабиётлар ҳам, албатта, икки тилда. Иштирокчиларда “Инжилчилар” оқимининг адолатпешалиги ва ижтимоий йўналтирилгани ҳақида атайлаб сохта тушунча ҳосил қилинади. Республика ҳукумати, вилоят ва шаҳарнинг маҳаллий раҳбарлари эса, аксинча, одамлар ҳаётини заҳарлаш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солади.

Очиқ суҳбатлар чоғида “янги келганлар” ўз ҳаётларида юз берган ҳодисалар, ҳукумат билан бахслар, камбағаллик ва қашшоқлик ҳақида ҳикоя қилиб берадилар. Йиғилишларни уюштирувчи миссионерлар эса, бундай азоб-қувватлардан тезда халос этишни ваъда қилдилар ва бунинг учун уларни жаннатмонанд ҳаётдан бенаис қилиб, турмушларини оғирлаштираётган “иблис”ларга қарши муайян тарзда курашиш зарур бўлиши мумкинлигини тушуштиришади. Вазиятдан келиб чиқиб улар давлат ҳокимияти, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари ва шахсан республика президентини “иблис” қилиб қўрсатишлар. Ёвузликка қарши кураш юраси аста-секин, сездирмай, аммо, мунтазам синг-

дириб борилади. Бунда уларни албатта қўллаб-қувватлашларни ва ёлғиз ташлаб қўймасликларини ва ҳаёт жуда яхши бўлишини эслатиб ўтишни ҳам унутмайдилар. Озиқ-овқат, кийим-кечак, хуллас моддий ёрдам қўллаб халқларни сектачилар сафига жалб этмоқда. Сўғд вилояти шаҳар ва туманларида яшовчи мусулмонларнинг ўзга динларга ўтиб кетиши кескин кучайди. Бу ҳол қўшниларни, оила аъзоларини нафратлантирмоқда. Давлатнинг секта ва оқимларга эътиборсизлиги норозилик кучайиб, тўс-тўполон, ур-қатлақлар бошланиб кетиш хавфини туғдирмоқда.

– Бутун Тожикистон ҳудудида диний оқим ва секталар таъсирини кучайтиришдан мақсад ҳам ижтимоий ҳимояланган, яъни қашшоқ ва муҳолифча қайфиятдаги аҳоли қатламида инборат катта тарафдор гуруҳ тузишди, — деб ҳисоблайди мустақил кирғиз эксперти Виктор Косарев. — Бу ерда диний асосларга оид ҳеч нарса йўқ. Афтидан, ҳукумат республика аҳолиси онг-шуури устидан назоратни бутунлай йўқотган кўринади. Бу эса, Шимолий Африкада кейинги пайтларда юз берган воқеалар нуктаи назаридан қараганда, Тожикистоннинг муқаррар емирилишига олиб келиши мумкин. Имомали Раҳмон ҳақиқатан ҳам назоратни йўқотаяпти. Бу ерда гап ҳар бир фуқароннинг виждод эркинлиги ҳақида эмас. Гап шундаки, ҳокимият тепасидикиларнинг лоқайдлиги ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишга охирилги фалокатга олиб келиши мумкин. Зеро, сохта диний таълим айна шу сабабли гуллаб-яшнамоқда.

Хидирали КАРОМАТОВ.
www.tagmigrant.com.

САУДИЯЛИК СПОРТЧИ АЁЛЛАР ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШАДИ

BBC Newsнинг маълум қилишича, Саудия Арабистонининг Буюк Британиядаги элчихонаси спортчи аёлларга Олимпиада ўйинларида қатнашишларига биринчи марта рўхсат берилгани ҳақида хабар тарқатди.

Саудия Арабистони миллий Олимпия қўмитаси вакиллари ҳозирча биргина саудиялик аёл спортчи Олимпиадада иштирок этишини таъкидлашди. Гап 2010 йилда ўсмирлар Олимпиадасида бронза медалини қўлга киритган Далма Рушдий Малхас ҳақида борапти. У конкур мусобақаларида иштирок этади. Шунингдек, мамлакат тарма жамоаси таркибига бошқа спортчи аёллар ҳам киритилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Миллий

Олимпиада қўмитасидаги-ларнинг таъкидлашларича, саудиялик аёл спортчилар “аёллик ифратлари”ни яшириб турадиган спорт кийимиде майдонга чиқадилар. Яъни, сочларини беркитиб турувчи “спорт хижоби”да бўладилар.

Мамлакатдаги қўллаб-исломчи консерваторлар аёлларнинг спорт мусобақаларида қатнашишларига мутлақо қаршиллар. BBC Newsнинг маълумотига

қараганда, мамлакат қиролли, ворис шаҳзода, ташқи ишлар вазири, шунингдек, етакчи диний арбоблар ва Олий муфтий иштирокида бир неча раундда махфий кечган музокаралардан сўнг миллий тарма жамоа таркибига аёл спортчиларни киритишга қарор қилинган.

Саудиялик олий мансабли дипломатининг сўзларига кўра, аёл спортчиларга Олимпиада ўйинларида иштирок этишга рўхсат берилгани мамлакат қиролли ўтказиб берган ислохотларнинг мантикий давомидир.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

2012 ЙИЛ – МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

Нафақат оила, балки башарият устуни бўлиши она номини кўларига кўтариб улуғламаган бирор зот бормикин? Она бўлмаса, одам ҳам, олам ҳам йўқ, оиланику, қўяверинг. Демак, Мустаҳқам оила йилида бор меҳру муруватимизни, аввало, оналаримизга бахшида этсак сираям адашмаган бўлаемиз. Ахир Пайғамбаримиз ҳам: “Жаннат оналар оёғи остидадир!” деб баралла айтган эдилар-ку!..

Бир доно одамдан муборақ бу ҳадисни шарҳлаб беришни илтимос қилишибди. “Ҳадиси шарифга тегишли уфазилатни айтиш билан уфоялана қолай. Биринчидан, ўсиб бораётган мурғакни тўққиз ой қоринда кўтариб юриш қайси эркакнинг қўлидан келаркин? Иккинчидан, шу мурғакни дунёга келтириш чоғида онаизор ҳаёт билан ўлим ўртасида муаллақ қоларкан. Қолаверса, шу фарзанд оёққа туриб кетгунча, сабру бардос билан кўкрак сути бериб боқишнинг ўзи бўладими? Демак, она бағрининг жаннатдан нимаси кам?” — деб жавоб берибди ул зот.

Ўз қадрини билган инсон, аввало, оила бошида турган эркак зоти аёлларни авайлаш, ҳимоя қилиши лозим. Бу аввало, ўзи учун керак. Умримиз давомида кўрган-кечирган воқеалар, ҳаёт тажрибаларимиздан келиб чиқиб, бу ҳулосага қайта-қайта икром бўлганмиз. Аёлига меҳрибон кишиларни “фалончи хотинидан кўрқар экан”, дея камситишга уринувчи эркаклар йўқ эмас. Бундай фикрлайдиганлар турмушнинг аччиқ-чучугини ҳали тотиб кўрмаган, етарли ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёш йигитлар орасида кўпроқ учрайди. Бундайларнинг ивгою фарибларига учган лақма йигитлар Худо берган вафодор, покиза, саранжом-сарийшта умр йўл-

дошларини ноҳақ азоблайдилар, ҳўрлайдилар. Охир-оқибатда гулдай оилаларини барбод қиладилар. Ўртада беғуноҳ фарзандлар тирик етим бўлиб қоладилар.

Фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаганимда, кўплаб шундай воқеалар гувоҳи бўлганман. Гишт қолип-қилимларингизни яшириб, фазилатларингизни ошириб яшовчи садокатли йўлдошнинг йўқотиб қўйсангиз, ҳеч қачон тополмайсиз, дегимиз келди...

Ҳар қандай мустаҳқам оила кўрғонини емириб ташловчи, айниқса, ёш оилаларни барбод айловчи яна икки иллат-дан бир кўчдими, уни жойига солиш қийин. Оила ноҳақликдан жабрланса, тош тегиб синган ойна каби асли ҳолига қайтмайди. Зеро, зўрлик билан ҳам, бойлик билан ҳам инсон меҳрини, муҳаббатини қозониш асло мумкин эмас. Оллоҳнинг тенгсиз бу неъматига фақат самимийлик, олижаноблик, жўмардлик ва садокат сингари фазилатлар орқалигина эришилади.

Ешлигимизда “Хотин топилади, дўст топилайди” деган ноҳўй гапни эшитганмиз. Айрим “ақлли”ларнинг бундай бузғунчилиги қурбони бўлаётган ёш оилаларни кўрган ҳар қайси иймон-эътиқодли, инсоф-диёнатли кишининг ичи қуйиб, қалби жароҳатланади. Бундай ивголарга уцаётган лақма фарзандларимизга турмушнинг аччиқ-чучугини тортган, паст-баландини кўрган одам сиқатида “бойлигу амалингиз бўлса, хоҳлаган пайтингизда истаганингизча “дўст” топилаверди” (ҳақиқий дўст эса жуда кам учрайди), аммо вафодор ёр, фарзандларингизни мудом оқ юзиб, оқ таровчи, ҳовли-жойингизни ҳамиша саранжом-сарийшта тутувчи, кам-кўсту ҳар хил

қилимларингизни яшириб, фазилатларингизни ошириб яшовчи садокатли йўлдошнинг йўқотиб қўйсангиз, ҳеч қачон тополмайсиз, дегимиз келди...

Ҳар қандай мустаҳқам оила кўрғонини емириб ташловчи, айниқса, ёш оилаларни барбод айловчи яна икки иллат-

эмасми ахир?!

Ёши улғулларнинг хотирлашларича, қадимда “хотин қўйиш”, “ажрашиш” деган гаплар таомилда бўлмаган. Мободо шундай ҳол юз бергудай бўлса, бутун аҳоли ёлпасига изтиробга тушган. Оилани бузиш оғир гуноҳ саналган. Мисол тариқасида

ўнта эркакни йўлда қолдирарди. Раҳбарлик лавозимларинда ишлаган, тадбиркорликни ҳам ўрнига қўйган, қатор савоаб амаллар қилгани ҳам бор ҳақиқат. Шу туйғайли кўпчиликнинг эътиборига тушган, ҳеч қарерда гапи ерда қолган эмасди. Ҳатто, Ҳаж сафарини ҳам адо этди-ю, сўқагонлигини ташламади. Охир-оқибат эсидан айрилиб, оламдан ўтди. Ана, энди, бу ҳолатдан ўзингиз ҳулоса чиқариб олаверинг!..

Биз, эркаклар оналаримиз, ола-сингилларимиз, умуман жамии аёлларимизни эъзозлаш, ҳимоя қилиш, авайлаб-асрашга даъват этилганмиз. Афсуски, аёл зотиға инсон келтираётган айрим нусхалар енгилтақлиги, беҳаё қўлиқлари, жиноятқорона хатти-ҳаракатлари билан аёл деган муқаддас номға доғ туширмоқдалар. Фоҳишалик, гиёҳвандлик, қаллоблик каби иллатлар Шарқнинг юксак ибодоҳаёли хотин-қизлари шаънига асло ярашмайди!

Бундай иллатларнинг камдан-кам бўлса-да, учраб туришиға биз, эркаклар ҳам сабабчимиз ва айбдоримиз дегим келди. Негаки, ўзимиз бажарадиган, жонимизни қийнаб бўлса-да, сабот ва матонат билан енгиб ўтишчи лозим бўлган мушкул ва оғир юмушларни аёлларимизга буюраемиз. Бундай оилаларда фарзанд тарбияси нима бўлади?!

Айтмоқчимизки, 2012 йил нима мақсадда “Мустаҳқам оила йили” деб аталганини янада чуқурроқ ўйлаб кўрайлик, мушоҳада қилайлик ва ҳар бириғиз ўз оиламизни ҳар жиҳатдан мустаҳқам қўرғонга айлантирайлик. Зеро, оила мустаҳқам бўлса, жамиятда барқарорлик қарор топади. Жамият барқарор бўлса, бундай давлатнинг келажағи буюк бўлади.

Асад АСИЛ,
ёзувчи.

БИЛАСИЗМИ?

НОН ЕНГ ВА ... ОЗИНГ

Асарият аёллар семириб кетишдан қўйиб, нончи кам истеъмол қилишади. Баъзилар умуман нон емайдилар. Бундай “нон-емас”лар учун муҳим янгилик – нон оздирар экан.

Бир гуруҳ олилар нон одамни семиртиради, деган фикрни инкор этдилар. Аксинча, нон узоқ вақт тўқ тутайди ва танага тўлиқ сингади, тез-тез овқатланиш ҳиссини сўндириб, оздирди. Хар хил бўлсача, “Дилшод транс хизмат”да юз берган кўп “синотлар”дан хабарсиздек обдон талмовсиради. Чунонки, ягона ижтимоий тўлов қандай

хисоблаб чиқишини билмаганини, бухгалтерия этибларини тушулмаганини айтиб, қилган “ишлари”дан пушаймонлигини қайта-қайта такрорлашдан чарчамади. Дарвоқе, шу иш бўйича кизи Дилафрўз Давренова ҳам сулдуни. У МЧЖда бухгалтерия ишини олиб борган. Дилафрўз ҳам онаси сингари айбларига қисман иқдор бўлиб, ўзини оқлашга обдон уринди.

Лекин суд она-боланинг жиноятларини асословчи етарли далил-исботларга эга эди. Гувоҳлар берган қўрсатмалар ҳам уларга қўшимча бўлди. Шуларни хисобга олиб, суд сулдунавчи Р. Давренова билан Д. Давреноваларнинг жиний ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 184-моддаси 3-қисми, 209-моддаси 1-қисми, 189-моддаси 3-қисмлари билан тўғри маъналанган деб топди. Она-бола уч йил муддатга маъмурий ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, тегишлича, энг кам ойлик иш ҳақининг 400 ва 350 баравари миқдорда жарима жаоси тайинланди.

Вақти-соати келиб, ёлгоннинг барибир мис чиқади, дейишгани шу-да!

Юсуф ЖУМАЕВ.

Маълумотларга қараганда, янги зарядлаш ускунаси ингичка сим, радиолар билан мустаҳкамлаш мосламаси ва динамо-генератордан иборат.

Ў.А.

БУ – ҚИЗИҚ

Япония олимлари велосипед учун мўлжалланган мобил телефон зарядлаш ускунасини яратдилар. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, энди велосипед ҳайдовчиси ўз мобил телефонини ҳеч қандай қийинчиликсиз

Қулай зарядлаш ускунаси

қувват олдириши мумкин. Қашғирчиқларнинг таъкидлашича, велосипед хатто ҳаракатланаётган вақтда ҳам ушбу мослама ишлайве-

рулга ўрнатилган мустаҳкамлаш мосламаси ва динамо-генератордан иборат.

Ў.А.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ	Бош муҳаррир
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА	Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Муассис:	
Тошкент вилояти ҳокимлиги	

Хафтаннинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма F-642.

Адади 12287.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

ISSN 2010-9318.